



Xabar

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2001 yil, 28 sentyabr № 40 (473)

Sotuvda narxi erkin

ТАЙИНЛАШЛАР



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил, 21 сентябр қарорига мувофиқ **Аъзам Фахритдинович ИЗБОСАРОВ** Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори ўринбосари этиб тайинланди.

Аъзам Избосаров 1962 йили Навоий вилояти Хатирчи туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий,

1984 йили Тошкент электротехника алоқа институтини битирган. Мутахассислиги – автоматик электралоқа муҳандиси.

Аъзам Избосаров 1982-1984 йиллари Тошкент Давлат педагогика институти физика кафедрасида лаборант, 1984-1985 йиллари Навоий Давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасида лаборатория муҳандиси, 1985-1997 йиллари Хатирчи электралоқа корхонасида муҳандис, 1997-2000 йиллари "Халқаро Телеком" АКда бош директор ўринбосари, 2000-2001 йиллари Шаҳарлараро алоқа ва телевидение ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи вазифаларида хизмат қилган. А. Избосаров 2001 йилдан бошлаб "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" акциядорлик жамияти бош директори лавозимида ишлаб келган.



"Ўзбектелеком" АК Кузатув Кенгашининг қарори билан **Ҳақим Асрорович МУХИТДИНОВ** компания бош директори этиб сайланди.

Ҳақим Мухитдинов 1960 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти олий, 1983 йили Тошкент электротехника алоқа институтини, 2000 йили эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Дав-

лат ва жамият қурилиши академиясини битирган. Мутахассислиги – автоматик электралоқа муҳандиси. Иқтисод магистри илмий унвонига эга.

Ҳақим Мухитдинов 1983-1985 йиллари Шаҳарлараро алоқа қурилиши ихтисослаштирилган монтаж бошқармаси муҳандиси, 1985-1992 йиллари Тошкент телеграф-телефон станцияси муҳандиси, 1992-1997 йиллари Тошкент халқаро электралоқа маркази бошлиғи, 1997-2000 йиллари "Халқаро Телеком" АК бош директорининг биринчи ўринбосари вазифаларида хизмат қилган. Ҳ. Мухитдинов 2000 йилнинг июл ойидан бошлаб "Ўзбектелеком" АК бош директори ўринбосари вазифасида ишлаган.



"Ўзбекистон почтаси" ДАКнинг умумий йиғилишида **Абдуҳамид Абдумажидович МАҲМУДОВ** компания бош директори этиб сайланди.

Абдуҳамид Маҳмудов 1962 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий, 1983 йили Тошкент электротехника алоқа институтини битирган. Мутахассислиги – электралоқа муҳандиси.

Абдуҳамид Маҳмудов 1983-1985 йиллари Фарғона шаҳри телеграф-телефон станцияси муҳандиси, 1988-1995 йиллари Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигида вазир ёрдамчиси, 1995-1998 йиллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қотибият ўринбосари, 1998-1999 йиллари "Ўздунробита" қўшма корхонаси бош директорининг ўринбосари вазифаларида ишлаган. А. Маҳмудов 1999 йилнинг ноябр ойидан бошлаб "Тошкент телеграф-телефон станцияси" АЖ бош муҳандиси вазифасида хизмат қилиб келган.

1 ОКТЯБР — ҲЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ!

Ушбу байрам муносабати билан "Xabar" газетаси жамоаси барча устозларни, ўқитувчи ҳамда мураббийларни касб байрамлари билан муборакбод этади. Уларнинг ёш авлodge зиё тарқатишдек масъулиятли, фидокорона ва айна пайтда шарафли ишларида омадлар тилайди.

Байрамнингиз муборак бўлсин!

"UZTEL-2001": ИККИНЧИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ ЯКУНЛАНДИ

Газетамизнинг аввалги сонида хабар қилганимиздек, пойтахтимизнинг "ЎзЭкспоМАРКАЗ"ида "UZTEL-01" "Телекоммуникациялар ва компьютер технологиялари – 2001" иккинчи халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ўртимиз ҳамда хорижий компаниялар иштирокида ўтказилган бу кўргазмада истеъмолчилар ва мутахассисларга республиканинг улкан салоҳияти, Интернет ва хизматнинг ўнлаб янги турлари кўргазмани тарзда тарғиб қилинди. Шулардан бири – видеоконференцалоқа кўргазманинг барча иш кунларида Тошкент-Самарқанд йўналишида муттасил ишлаб турди. Юзлаб мижозлар компанияларнинг шаҳарлараро сўзлашувлар учун кредит картчаларидан фойдаландилар. Йўлдошли ва уяли алоқанинг янги стандартлари, янги технологияга ўтиш, энг

сўнги техника ва материаллардан фойдаланиш кўргазмада алоҳида қайд этилди. Кўргазманинг вазифаларидан бири ҳам шу каби хизматларни истеъмолчиларга янада кенгроқ тарғиб қилишдир. Маълумки, ҳозир Ўзбекистонда телекоммуникациялар тармоғининг ривожланиши янги сифат босқучида турибди. "Ўзбектелеком" АКни хусусийлаштиришга тайёргарлик халқаро институтлар иштирокида ўз ниҳонисига етмоқда. Сўнги йилларда улкан имкониятлар неғизда яратилган телекоммуникациялар хизматига бўлган талабни қондириш учун янги имкониятлар даражасини кўрсатиш ҳам муҳимдир.

Кўргазма қатнашчилари кенгайтирилган дастур бўйича ўтказилган йиғилишда семинар-тақдимотдан ўтдилар. Хусусан, бу йиғилишда Ўзбекистон телекоммуникациялари бозорининг янги имкониятлари ва истиқболларини, "Ўзбек-

телеком" АКни хусусийлаштириш жараёнларини, инновацион технологияларни жорий этиш ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда соҳани келгусида янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Бунда Давлат Мулк қўмитаси, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги, "Ўзбектелеком" АК, "Коммерцбанк" молиявий консултантлари ва бошқа вакилларнинг маърузалари тинланди.

Ушбу кўргазмада янада файзли-мазмунли қилган нарса шу бўлдики, унда Ўзбекистонда ўтказилган Интернет-форум танлови ғолиблари Интернет орқали овоз бериш йўли билан аниқланди. Совринларни Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори А. Орипов топширди.

А.КУДИНОВ

АЛОҚАЧИЛАР ПАХТАЗОРДА

Айна кунларда республикамиз бўйлаб олтин куз ҳосили – "оқ олтин"ни йиғиб олиш қизғин давом этмоқда. Пахта йиғим-теримида Ромитан филиали алоқа ходимлари ҳам "Дўстлик" жамоа ҳўжалиғи пахтакорларига яқиндан ёрдам берапти. Улар "Илёс" фермер ҳўжалиғида ҳар кун 75-85 килограмдан ошириб пахта териб топширмоқдалар. Айниқса, Моҳира Шокирова, Насиба Қаримова, Гулчехра Одинаева, Шаҳзода Азимова ва Эркин Бозоров каби алоқачилар кўпчиликка ўрнак бўляпти.

Ш. БОҚИЕВ,
Бухоро вилояти

Республикамизда радиочастота спектри, радиозлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланишнинг ҳамда телекоммуникациялар соҳасида хизмат кўрсатишни тартибга солиш мақсадига ҳўкуматимиз томонидан бир қатор қонуний ва метёрий ҳўжалар ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикасининг "Радиочастота спектри тўғрисида"ги ва "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги қонунари шулар жумласидандир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил, 10 июллати "Частота спектридан фойдаланиш, телерадиостуруларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш самардорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 293-сонли қарори мавжуд. Мазкур қарор Давлат алоқа инспекцияси, Республика Давлат божхона қўмитаси ҳамда Давлат солиқ қўмиталари радиозлектрон воситаларни ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиб олиш (бериш), лойиҳалаштириш, қўриш (ўратиш), улардан фойдаланиш, сотиш ва уларни чет эллардан олиб келиш тартибига риоя қилиниши устидан назорат-

ни амалга оширади.

Ҳўш, ушбу қарорнинг бажарилишига жойларда қай тарихда амал қилинмоқда? Шу мақсадда Давлат алоқа инспекцияси мутахассислари Электромонит мослашув маркази, Миллий халқсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Солиқ инспекцияси ходимлари билан биргаликда белгиланган режа-тад-

ҚОНУНЛАРНИ

ҚАЧОН

ЎРГАНАМИЗ?

бир асосида юридик ва жисмоний шахслар томонидан ноқонуний ишлатилган ҳамда соғлаётган юқори частотали қурилмалар, радиозлектрон воситаларни аниқлаш бўйича рейдлар ўтказишди. Ҳамкорликда ўтказилган ушбу рейдлар натижасида республикамиз ҳудудида бир юз етмиш саккизта, шу жумладан Хоразм вилоятида саксон ута, Андижонда ўттиз саккизта, Қашқадарўла ўттиз битта, Термиз ва Наманганда саккизтадан, Сирдарё ва Жиззахда бештадан радиотелефон ва радиоузатишлардан ноқонуний фойдаланишга ётгани аниқланиб, тегишли чоралар қўрилди.

(Давоми 2-бетда.)

Кейинги йилларда республикамиз телекоммуникация соҳасини ривожлантириши, уни замонавий технологиялар билан таъминлаш борасида ҳукуматимиз томонидан бир қанча қарор ҳамда меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқарди. Бугунги кунда уларнинг амалдаги нжроси қай даражада, мавжуд ютуқ ва муаммолар нималардан иборат? Муҳбиримиз шу ҳақда "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг ички аудит бўлими бошлиғи Абдухалил ҲОШИМОВ билан суҳбатлашди.

— Абдухалил аса, аввало, ишлаб чиқилган қарорлар юзасидан фикр-тутаниш бيلمочки эмас.

— Уттан ўн йил мобайнида республикамиз алоқачилари телекоммуникация тармоғини ривожлантиришда кўзга кўринарли ютуқларга эришдилар. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил, "Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, реконструкция қилиш ва уларнинг иш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 1995 йил "Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини 2010 йилгача бўлган даврда реконструкция қилиш ва ривожлантириш Миллий дастури тўғрисида"ги қарорлари алоқа тармоғини ривожлантиришда муҳим омил бўлди. Ушбу қарорларни амалга ошириш учун чет эл кредит сармоялари асосида шартномалар тузилиб, улардан жаҳон андозаларига мос келадиган замонавий техника ускуналари, электрон АТСлар, шаҳарла-

раро ва халқаро электрон станциялар ҳамда радио релейли алоқа воситалари келтирилди. Бугунги кунда бу алоқа воситалари республикамизнинг турли жойларида халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилмоқда.

Ватандошларимиз телефон, телеграф, факс, электрон почта ва Интернет каби алоқа хизматлари орқали дунё билан боғланиш имкониятига эга бўлдилар. Айни чоғда ҳали алоқа хизматларига бўлган талаблар тўла қондирилди деб бўлмайдми. Соҳани ривожлантиришда қилинадиган ишлар кўп.

ОЛМОҚНИНГ БЕРМОҒИ БОР

— Компаниянинг аудит бўлими бошлиғи сифатида ички ва ташқи тўловлар, дебиторлик ва кредит қарзлар борасида нима дея olasiz?

— Саволнингиз жуда ўринли бўлди. Бу масала юзасидан биз жиддий бош қотиряёмиз. Чунки телекоммуникация тармоғини ривожлантиришдан ташқари чет эл кредит тўловларини тўлашни, халқаро алоқа хизматлари учун ҳамдўстлик мамлакатларига ва чет эл давлат компанияларига бўлган қарзларни ўз вақтида узишни ҳам ўйлашимиз керак, албатта. Бу йўлда Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги ва "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг бир неча буйруқлари, фармойишлари чиққан ва қўлтига самарали ишлар қилинмоқда. Лекин бугунги кунда алоқа хизматлари учун қарзлар шунчалик

кўпайиб кетганки, бу республикамиздаги телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш учун хоржий компаниялар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишда салбий таъсир кўрсатмоқда.

— Мисоллар келтира olasizми?

— Марҳамат. 2001 йилнинг 1 сентябр ҳолатига кўра миқозларга кўрсатилган алоқа хизматларига бўлган дебиторлик қарзлар 3001,2 млн. сўмни ташкил этиб, шундан ҳўжалик ҳисобидagi корхоналарда 907,7 млн. (30,2 фоиз), бюджет ташкилотларида 828,8 млн. (27,6 фоиз), аҳолида 1040,3 млн.

(1770 минг), Бекобод пахта тозалаш заводи (1500 минг) каби муассасаларни ўз дебиторлик қарзларини ундирга олмаяпти.

Корхоналардаги дебиторлик ва кредитдорлик қарзларини бартарф этиш учун олиб борилаётган ишлар қонитқарли эмаслигини тан олишимиз керак. Бизлар бозор иқтисодиёти даврида миқозлар билан ишлашда аввало шартномада кўрсатилган барча шартларнинг бажарилишини таъминлашни, ундан сўнг уларга хизмат кўрсатишни йўлга қўйишимиз зарур. Шундагина миқозларнинг тўлов қобили-

ижтимоий тараққиёт даврида миқозлар томонидан ишлаб чиқаришни нотўғри ташкил этиш, бозор талабини чуқур ўрганмай иш тўтиш ҳам кўтилган натижани бермайди. Қолаверса, олмоқнинг бермоғи ҳам бор деганларидек хизматимиздан фойдаланишни билганлар ҳақини ҳам тўлаб қўйиши шарт. Шу оддий ҳақиқатни ҳеч ким унутмаслиғни лозим.

— Бундай ачинарли ҳола тушиб қолмаслик учун қандай йўл тутиш керак?

— Аввало, раҳбар тажрибали, эртанги кун билан яшайдиган, таъбиркор бўлиши зарур. Ҳозирги давр ҳар бир раҳбардан ўзининг корхона ёки ташкилотда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлари бозорини таҳлил этиб боришни, техникавий салоҳиятини ўрганишни, асосий ва айланма маблағлардан самарали фойдаланишни талаб қилмоқда. У корхонасининг молиявий барқарорлигини таъминлай олиши, олдидagi қарзларни тўлаш қобилиятини аниқлаши ва ўз эҳтиёжини таъминлаш учун иқтисодиётини меъёр ҳолатга келтириши шарт. Шу ўринда яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиманки, республикамиздаги телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва халқаро алоқа хизматлари учун бўлган қарзларни узиш миқозларнинг алоқа хизматларига бўлган тўловларни ўз вақтида тўлашига боғлиқ.

У. ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди


(34,6 фоиз), қишлоқ ҳўжалик корхоналарида 224,3 млн. сўм (7,4 фоиз) ни ташкил этиди. Рақамларга янада ойдинлик киритадиган бўлсам, Тошкент авиация ишлаб чиқариш давлат акциядорлик жамиятининг "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" акциядорлик жамиятидан дебиторлик қарзининг ўзи 125 млн. 822 минг сўмни ташкил қилади. Бу кичкина рақам эмас, албатта. Яна қарздорлар сафида "Офис Лола" АЖ (3 млн. 530 минг), "Койно" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси (3 млн. 445 минг), Ўзбек Давлат цирки (1 млн. 700 минг) ҳам бор.

Шунингдек, компаниямиз Тошкент вилоятини буйича Зафар тумани ҳўкимлиги (1613 минг), Ғазалкент шаҳар ҳўкимлиги (1793 минг), Олмалик "Амамафос" ишлаб чиқариш бирлашмаси

ятига қараб, уларга қанча миқдорда хизмат кўрсатиш кераклиги аниқ бўлади.

— Дебиторлик қарзларининг ўз вақтида тўланмаётганини сабаби нимада деб ўйласиз?

— Бунга энг биринчи сабаб юридик ёки жисмоний шахсларнинг маъжуд қарор ва меъёрий ҳўжжатларини билмасликлари, билса ҳам бунга доқайид қарашлари деб ўйлайман. Қарздорларнинг тўлов қобилияти паст бўлса, хизмат кўрсатувчи қарзни узишни талаб қилишга ҳаққи эканлиги барча қонун ва қондаларда қайид этилган. Лекин бу қонун-қондаларни менамаётган айрим миқозлар, корхона ва ташкилот раҳбарлари ўз ички эҳтиёж ва имкониятларини тўғри аниқлай ололмаёттирлар. Бугунги иқтисодий-



Каршидаги 3-АТС оператори Шаҳодат ТОҒАЕВА абонентлар телефонидagi носозликларни аниқламоқда.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

(Аввали 1-бетда.)

Шу билан бирга "Сирдарё Телеком" акциядорлик жамиятининг шаҳар филиалида еттига абонентга хизмат

кўрсатаётган **ҚОНУНЛАРНИ** транк алоқа

хизматининг ҳам лицензияланмаганлиги **ҚАЧОН**

ҳамда Электромагнит мослашув марказидан **ЎРГАНАМИЗ?** рухсатнома ол-

маганлиги сабабли фаолияти тўхта-типти.

Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳамда радио-электрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш учун махсус рухсатномалар кераклиги тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали тушунтириш ишлари олиб борилаётганлиги

қарамадан, юридик ва жисмоний шахслар томонидан ҳамон бундай қонуний ва меъёрий ҳўжжатлар талабларини бажармаслик ҳўллари такрорланаёттир. Бу эса уларнинг

Ўзбекистон Республикаси қонунларини

билмасликлари, ўрганмаётганликлари кўрсата-

ди. Ушбу муаммоларни барта-

раф этиш буйича Давлат алоқа инспекцияси қатор корхона ва вазириликлар билан биргаликда бел-пиланган режа-тадбир асосида назорат ишларини олиб боришда да-вом этмоқда.

С. АВҒАНБОЕВ,
Давлат алоқа инспекцияси телекоммуникациялар бўлими бошлиғи

ЎТ БАЛОСИДАН АСРАСИН!

Шу йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида Юнусобод туманида 167 та ёнғин содир бўлиб, моддий зарар 999604 сўмни ташкил қилди. Бунда тўрт киши ҳалок бўлди ва уч киши тан жароҳати олди.

Ёнғин аксарият ҳолларда сигарет қолдиғини ташлаш, болаларнинг олов ўйнаши, газ иситиш печларининг ҳаддан ташқари қизиб кетиши, электр симларнинг қисқа туташуви, қуриган ўт-ўланлар ва шох-шаббаларни эътиборсизлик билан ёқиш оқибатида содир бўлмоқда. Мисол учун Юнусобод тумани, Рафиков кўчаси, 25-ўйда, 7-дахнанинг 38-уй, 23-хонадонда ва Ҳасанбой даҳасидаги Бахт кўчаси, 43-ўйда шу сабаблар туфайли содир бўлган ёнғин моддий оқибатларга олиб келди. Шунингдек, Ф. Хўжаев кўчасида жойлашган Салор ариғи бўйидаги очик майдонда 500 м² қуриган қамиш бепарволик натижасида ёнғин кетган.

Азиз юртдошлар, юқоридagi қўнғилсизликларнинг олдини олиш учун сизларга яна бир бор ёнғиндан сақланиш

қонун-қондаларини эслатиб ўтамиз. Носоз электр анжомларини ўз вақтида кўздан кечириб, уларни тузатиб қўйиш, эскирган электр симларни алмаштириш, газли иситиш печ мўриларининг саз-носозлигини текшириб туриш, газ печларини ҳаддан ташқари қиздириб юбормаслик, улар устида кирлар қуригмаслик, ўчирилмаган сигарета қолдиқларини ҳар ерга ташламастик, уй ва шахсий гараж атрофларини чиқиндилардан, ўт уюмлари ва шох-шаббалардан тозалаб туриш лозим. Болаларни уйда ёлғиз қолдирмаслик ва улар билан доимий равишда олов билан ўйнаш оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида суҳбатлар ўтказиб туриш керак. Ушбу ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилсангиз, ўз уйингизни ва атрофингиздагиларнинг мол-мулкни ҳамда ҳаётини сақлаб қолган бўласиз.

Мирзохид МҲМИНОВ,
Юнусобод туман ёнғин хавфсизлиги хизмати катта инспектори

"O'zimpeksaloqa" акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

"O'zimpeksaloqa" акциядорлик жамияти шунки маълум қиладиги, Тошкент шаҳри бўйича қимматли қорғозлар бозори фаолияти устидан назорат ва мувофиқлаштириш бўлими томонидан 03.08.2001 йилдаги "O'zimpeksaloqa" АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши баённомаси ва Тошкент шаҳри бўйича Давлат Мулк қўмитаси бошқармасининг 07.08.2001 йил, 1-242 к-ПО- сонли буйруғига асосан "O'zimpeksaloqa" АЖнинг 1998 йил, 29 январдаги Q0186 - сонли проспекти эмиссиясига қўйидаги тартибда қўшимча ва ўзгартаришлар киритилди.

II бўлим. Акцияларни тақсимлаш тартиби:
2. Меҳнат жамоаси аъзолари томонидан сотиб олинган оддий номдаги акциялар;

- а) акциялар улуши 5,2 фоиз,
 - б) акциялар суммаси 1534000 сўм,
 - с) акциялар сони 1534 дона.
3. "Ўзбектелеком" АҚ устав жамғармасига берилган оддий номдаги акциялар;
- а) акциялар улуши 76,44 фоиз,
 - б) акциялар суммаси 22437000 сўм,
 - с) акциялар сони 22437 дона.
4. Эркин савдода сотишга қўйилган оддий номдаги акциялар;
- а) акциялар улуши 18,36 фоиз,
 - б) акциялар суммаси 5383000 сўм,
 - с) акциялар сони 5383 дона.

"ТОШКЕНТ ТЕЛЕГРАФ-ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2001 йил, 22 октябр, соат 10.00 да Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 28 уйда ўтказилади. Акциядорлар соат 9.30 дан бошлаб рўйхатга олинади.

КУН ТАРТИБИ:

1. "ТошТТС" АЖ уставининг проспекти эмиссиясига янги тахрирдаги ўзгартаришлар киритилади.
2. "ТошТТС" АЖ Кузатув Кенгашига аъзоларни қайта сайлаш. Йиғилишда 2001 йил, 21 сентябр ҳолатига кўра акциядорлар реестрига киритилган акциядорлар қатнашиш ҳуқуқига эга. Саволлар учун куйидаги манзилга мурожаат қилинган: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 28 уй.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

"Тошкент Телеком" акциядорлик жамияти жамоаси корхонанинг бош директори **Зоҳид ҚОСИМОВ**ни туғилган куни билан самимий табриқлайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва алоқа соҳасидаги ишларида зафарлар тилайди.

ДОИМО ГОЛИБ ЭДИЛАР

Қари кампирнинг ҳаёти бирмунча оғир кечар эди. Чунки унинг на яқинлари, на болалари — ҳеч ким йўқ эди. Бунинг устига, кўзи ожиз эди. Бундан хабар тошган Ҳазрати Умар ибн Хаттоб (р.а.) зудлик билан унинг ёнига келиб:

— Эй онажон, мен сизнинг ҳолингиздан ҳар куни хабар олиб тураман. Уйингизни супуриб-сидириб қўяман. Ўзингизга қарайман. Таомингизни пишириб бераман. Сиз энди ҳеч безовта бўлмайсиз. Машаққат ҳам чекмайсиз, — дедилар. — Фақат бир илтимосим бор. Мени ҳеч кимга айтмайсиз. Сизга кўрсатадиган хизматимни ҳам бирон кимсага билдирмайсиз? Хўшми?

Кампир хурсандлик билан бунга рози бўлди. Она-боладек ҳаёт кечира бошлади. Кунлар ўтди. Ҳазрати Умар (р.а.) олихкиммат ишларини давом эттирвердилар. Қуилларнинг бирида кампирнинг ҳолидан хабар олай деб қирдилару хайратдан ёқа ушлаб қолдилар. Уй супурилган, атроф чиннидек топ-тоза. Кампирнинг олдига таом ҳам қўйилган.

Ҳазрати Умар (р.а.) таажкубланиб:

— Эй онажон! Мен сизга, ҳеч кимга айтманг, мен ўзим сизга қараб тураман деган эдим-ку, — дедилар.

— Мен ҳеч кимга ҳеч нарса айтганим йўқ, — деб жавоб қилди кампир.

Ҳазрати Умар (р.а.) "Савобли ишни мендан олдин қилаётган инсон ким экан", деб турган вақтларида, не кўз билан кўрсинларки, ичкаридан Амирул-мўминин Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) чиқиб келмоқда эдилар.

— Сиз... сизмисиз, эй амирул мўминин, жонингизни сизга фидо бўлсин, — дедилар-у, бошқа сўз айтишга тиллари айланмай қолди.

Уша вақтларда Ҳазрати Умар (р.а.) адлия ишларига масъул эдилар. Ул зот: "Қандай ишда бўлмасин, Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) билан мусобақалашмай, ҳаммасида у киши голиб чиқар эдилар", деб тан олган эканлар.

КЎЙЛАГИ ЯМОҚ БОЛА

Ҳазрати Умар ибн Хаттобнинг (р.а.) ёш ўғиллари кўчада болалар билан ўйнар эди. Боланинг кўйлагига бир неча ямоқ солинган бўлиб, тенгқурлари унинг устидан кулишди. "Отанг амирул мўминин бўлса-ю, сен шундай йиртиқ-ямоқ кийимда юрсанг", деб камситишди. Ҳазрати Умар (р.а.) ўғиллари бундан жуда хафа бўлди. Отасининг хузурига бориб:

— Болалар кийимимдаги ямоқларни кўриб, устимдан кулишяпти, — деб бўлган воқеани сўзлаб берди.

Шунда Ҳазрати Умар (р.а.) ўғилларига:

— Хазиначига бориб, хазинадан бир кийимлик мато берар экансиз, отам маоларидан олиб ўрнига қўяра эканлар, дегин, — деб тайинла-

дилар.
Ўғил хазиначининг олдига бориб амирул мўминининг сўзларини айтди. Хазиначи унга:

— Агар отангиз маош олгунларгича япаб туришларига қафолат бера-лар, сиз айтган матони бераман, — деди.

Ўғил хазиначининг ҳеч нарса бермаслигини тушунди. Оталари Ҳазрати Умар (р.а.) хузурларига бориб, хазиначи нима деб жавоб берганини айтди. Шунда Умари Одил:

— Агар хазиначи сен айтган матони бериб юборганида эди, мен уни ўша ондаёқ ишдан бўшатган бўлар эдим, — дедилар, сўнгра ўғилларига таскин бердилар.

ЖАСУР ЎҒЛОН

Ҳазрати Умар ибн Хаттоб (р.а.) йўл бўйида ўйнаётган болалар ёнидан ўтмоқда эдилар. Болалар мўминлар амирининг салобатидан кўрқувга ту-пишди. Шу боис йўлдан четлашди. Лекин бир болакай жойида туравер-ди. Ундан бошқа ҳеч ким қолмади. Мўминлар амираи унга яқин келдилар-да, табассум қилиб:

— Нимага сен қочмадинг? — деб сўрадилар. Бола Ҳазрати Умарга (р.а.):
— Йўл тор эмас, сизга бўшатай десам, гуноҳкор эмасман, сиздан кўрқай десам, — дея марғур жавоб қилди.

Боланинг шжоатидан Ҳазрати Умар (р.а.) хурсанд бўлдилар. Кела-жақда улут инсон бўлишга умид боғладилар.

Йўллар ўтиб, бу умид ҳақиқатга айланди. Бола улгайиб, замонанинг улукларидан бири — саркарва Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.) бўлиб етишди.

ЧИРОҚНИНГ ЁҒИ КИМНИКИ?

Ҳазрати Умар (р.а.) халифаликлари даврида уйларига маккалик бир ошналари меҳмон бўлиб келди. Қоронғу кеча эди. Ҳазрати Умар (р.а.) уйларига давлат ишлари билан машғул эдилар. Ошналаридан узр сўраб, бир оз кутиб туришини айтдилар. Давлат иш-ни битирганларидан кейин, ёниб турган чироқни ўчирдилар ва бо-шқа чироқни ёқдилар. Дўстлари бундан хайратланиб, сабабини суриштирди. Ҳазрати Умар (р.а.) шундай жавоб бердилар:

— Ўчирилган чироқнинг ёни хазиначидир, яъни давлатники. У давлат ишлари кўрилаётган пайтда ёнса, менга халол бўлади. Сен эса, менинг ошмансан, сўхбатимиз ҳам ўзимизга тегишли бўлади. Шу сабабли ёни ўз пулмига олинган иккинчи чироқни ёқиб қўйдим. Давлат молидан хуеусий ишларда фойдаланилса, киши омонатга хиёнат қилган янглиғ гуноҳкор бўлади.

"Саодат кучанлар ибрати" китобидан

ҲИКМАТЛАР

Эй, ўғил, фарзандингни тарбиялашдан аввал сен ўзингни тарбияла. Тарбия кўрган оилада тарбияли, фазилатли, билимли киши балогатга етай. Шундай накл бор: ўғрининг боласи тўғри бўлмас, агар ул ота фарзанди бўлса...

Эй ўғил, билим мисоли бир чашмадур, уни сўнгги даққа-гача ич.

Бойлик молнинг кўплигида эмас, кўнглининг тўқлигидадир.

Ота - оиланинг подсосидир.

Фарзандинг сенинг тилинг билан сўзлашишга интилади. Сен бажарган ишни бажармоққа уннайди. Хулоса шуки, хунук одатлардан тезроқ воз кеч!

Маърифатга интилган одамнинг кўкрагидан ҳеч қачон итарма, унинг оқибати беҳайр тугар!

Абу Лайс ас-САМАРҚАНДИЙ

"Тошкент Телеком" АЖ жамоаси Фазалкент туманлараро филиалининг директори Аллаберген Ускенбоевга ўқиси **Онгарбек УСКЕНБОЕВ**нинг бевақт вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия билдиради.



Шу йигитларки, қўлга нурли асо ушлашиб йўлчиликни кўзлайлар.

Чўлпон

• Ажаб дунё

• Бу қизиқ!

ЭЛЕКТРОН ДИКТОР

АҚШдаги "Пи Эй Нью Медиа" компанияси дунёда биринчи бўлиб кибернетик диктор аёлни яратди ва унга Ананова деган фамилияни берди.

Робот аёл Ананованинг ёши 28 да. Бўйи 1 метру 64 см. Кўзлари феруза рангли. Замонавий поп мусиқани севади, юмшоқтабиат, калта қирқилган сочни ёқтиради. Рассомлар унинг қадди-коматини уч ўлчамли компьютер графикаси асосида чизишган. Ананова мустақил ҳаракатлана олади ва жуда чиройли тарзда жилмаяди.

Бундай яхши хислатлар соҳибасини эса қудратли дастур таъминотига эга компьютер бошқариб туради. Компьютер бир вақтнинг ўзида минглаб ахборотни ўқийди ва энг зарурларини танлаб, инсон тилидаги талаффузга тушириб беради. Ҳадемай мутахассислар бу виртуал диктор хонимни интернет тармоғи ва экранларга чиқаришни режалаштирмоқдалар. Мутахассисларнинг фикрича, Ананова сутка-лаб матнлар ўқиши мумкин, энг муҳими, ҳеч қачон касал бўлиб қолмайди.

РАНГИ ЎЗГАРУВЧАН ҚУШ

Фарбий Африкада ташқи кўринишидан ёввои каптарларга ўхшаш бир қуш яшайди. Бироқ патларининг ранги ҳар хил — товус каби товланади: зангор, кўк, саррик, тўқ қизил. Бу қушнинг яна бир хусусияти борки, у ёмғир остида қолса, ранг-ларини "ювилиб", кўримсиз бўлиб қолади. Қуёш чарақлаб чиққач эса яна аввал-гидек ял-ял товланади.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Шомансур ОБИДХУЖАЙ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРД

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Саидмахмуд АКБАРОВ
Шохрух АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобоҳон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 70000
Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Тахририятга келган кўёзмалар (2 ораликда, бетдан ошмаслиги лозим ва суратлар муаллифлар қайтарилмайди. Мақоллардаги фикр-мулоҳазалар келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллиф зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-2839
4844 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва сахифланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00